Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
14 июнь
ЧОРШАНБА
№ 48 (12996)

www.thtp.uz



ЭЛ-ЮРТ ХИРМОНИГА БАРАКА КИРМОҚДА

Бободеҳқонларнинг йил бўйи қилган меҳнатлари самараси ўлароқ, вилоят буғдойзорларида ўрим-йиғим жараёни қизиб кетди. Жумладан, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ҳумо Файз Синтез" фермер хўжалигининг 46 гектар майдонидаги буғдой пишиб етилди. Моҳир комбайнчилар Миркомил Мирсолиҳов, Илҳом Эгамқулов кунига ҳар бири 12-15 гектардаги ғаллани ўриб-янчмоқдалар.

Ғалла – 2017

– Дастлабки натижалар чакки эмас, – дейди Мирзокир Фозилов бошлиқ фермер хўжалиги иш юритувчиси, ўрим-йиғим отряди раҳбари Мирсаид Миркаримов. – Кунига 120 тоннадан зиёд ғалла топшираяпмиз. Хирмонлар баракаси ҳосилдорлик 50 центнердан зиёд бўлишини кўрсатмоқда.

Отрядда иш тартибли ташкил этилган. Янчилган буғдой пешма-пеш давлат омборларига олиб борилмоқда. Бекзод Маърипов, Бахтиёр Сафаров сингари ҳайдовчилар кунига 45 тоннадан ғаллани омборларга етказмоқдалар.

Равшан МИРЗАҚУЛОВ.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

САЛОҲИЯТНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

"Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 780 дан зиёд корхона маҳсулотлари намойиш этилди. Унда коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси ҳамда геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати корхоналари қатнашди.

Кўргазма

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тармоқ саноат ярмаркалари ва биржаларда тузилаётган шартномалар ҳажми, иштирокчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани қувонарли. Зотан, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб боришида муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган йили ярмарка ва кооперация биржаси доирасида 550 га яқин корхона томонидан 3 минг 500 дан зиёд турдаги маҳсулот намойиш этилганди. Уларнинг 130 дан ортиғи маҳаллийлаштириш дастури асосида ўзлаштирилган янги маҳсулот ҳисобланади. Шуниси қувонарлики, улар орасида вилоятимизда фаолият юритаётган корхоналар ҳам бор. Улар маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар, ишлаб чиқариш янгиликлари ва ўзлаштириш учун мўлжалланаётган маҳсулотларни намойиш этишди.

– Корхонамизда ташқи ва бино ичини ёритиш учун диодли лампалар ишлаб чиқарилади, – деди "Egl-Nur" қўшма корхонаси раҳбари Жи Хён Сук. – Тармоқ саноат ярмаркаси тўғридан-тўғри шартнома тузиш, турдош корхоналар билан ҳамкорликни ривожлантириш, янги шериклар топишда муҳим омил бўлди. Ярмарка давомида кўплаб шартномалар имзоладик.

Анжуманда қатнашган Олмалиқ кон-металлургия комбинати вакилларининг айтишича, йирик жамоада бу йил маҳаллийлаштириш дастури доирасида сантехника буюмлари учун аралаштиргичлар, лентали конвейерлар, ГРАТ туридаги насослар, турли эҳтиёт қисмлар сингари 32 турдаги маҳсулотни ўзлаштириш режалаштирилган. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши қарийб 3 миллион 100 минг долларлик маблағни тежаб қолиш имконини бериши эътиборлидир.



Хуршида ТУРСУНБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур ХИММАТОВ олган сурат.

Ислоҳот

Рақобат ҳар тарафлама кучайган, бозор конюктураси тез ўзгараётган, истеъмолчи диди янада нозиклашиб бораётган бугунги глобаллашув даврида четга маҳсулот сотиш, бошқача айтганда, ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш осон иш эмас.

ИМКОНИЯТЛАР КЎП, ҲАРАКАТ ЕТАРЛИ...МИ?

Иқтисодчиларнинг айтишича, бир пайтлар дунёнинг кўплаб давлатлари ички бозорларида жой топиш ва маҳсулот экспорти бир қатор енгил кечган. Бугун вазият бир оз бошқача. Товар ўтказиш учун кучайиб бораётган рақобатга дош бериш талаб этилди. Акс ҳолда иш юришмайди.

Дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётгани, айрим мамлакатларда аҳолининг харид қобилияти пасайгани, тадбиркорларнинг сафи, истеъмолчининг танлаш имконияти кенгайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаси ривожланишдан бир зум бўлса-да тўхтамаётгани бу борада ўзига хос "пойга" вужудга келишига сабаб бўлди.

Тадбиркорлик янада ривожлантирилаётган, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган юртимизда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳага оид билим ва малакаси ошиб бораётган ишбилармонларимиз ўз маҳсулотларини нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргирлигини таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Бу, шубҳасиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида маҳаллий ва хорижий сармояларни жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш бўйича ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Давоми 2-бетда.

Дарвоқе

Она табиатнинг жонга ҳузур, танга мадор бўладиган саховатли ёз ойи кечмоқда. Қишнинг изғирини, баҳорнинг ёмғирларидан кейин руҳингизни кўтариб, вужудингизни дардлардан фориғ этувчи ёз қуёшининг қайноқ тафти баъзан забтига олганда эса, яна соя-салқин жойларни қўмсаб қолишимиз ҳам бор гап.

ФАВВОРА ИЗЛАБ...

Шундай кезларда "Иссиқ жоннинг инжиқликларини ҳам елкасига оладиган она табиатнинг бағри бутун бўлсин, илоҳим яшнаб, гуркираб турсин", дегинг келади. Лекин, бутун ёз бўйи соя-салқин жойларда, тоғ-ён бағирларида ҳордиқ чиқаришнинг иложи йўқ-да.

Аммо, инсон қўли гул, дейишлари бежиз эмас. Шундай шароитни аҳоли яшаш жойлари яқинида ҳам яратиш мумкин-ку?! Жазирама иссиқда тафтингизни олувчи зумрад фавворалар қошида ҳордиқ чиқаришнинг завқи бўлакча. Айниқса, мусиқа садоларига ҳамоҳанг кўкка бўй чўзиб, кейин ажиб рақслари билан яна ўзанига шошадиган биллур томчиларнинг ҳузурбахш нафаси кўксингизни ҳаёт мавжларига тўлдиришичи?!

Давоми 3-бетда.

АРЗОН, СИФАТЛИ, ШИНАМ

Аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, яшаш шароитини яхшилашда замонавий уй-жойларнинг ўрни катта. Бинобарин, жойларда қад ростлаётган замонавий таълим, тиббиёт муассасалари, ишлаб чиқариш объектлари, спорт иншоотлари қатори намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган арзон уй-жойлар ҳудудлар чиройига чирой қўшмоқда.

Қулайлик

"Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг вилоят филиали вакилларининг айтишича, айни кунда туманларимизда янгиланган лойиҳалар асосида саккиз юз қирқдан ортиқ



икки ва тўрт сотихли 3-4 хонали, бир қанча икки қаватли, ҳар бири 16 хонадондан иборат арзон уй-жойларни қуриш ишлари жадал давом этмоқда.

Таъкидлаш жоиз, бунёд этилаётган арзон уй-жойларда хоналарнинг жойлашуви, мукаммал муҳандислик-коммуникация тармоқларига эгалиги, яшаш учун бошқа қатор қулайликлар муҳайё этилгани аҳолининг қизиқишини оширмоқда.

Намунавий тураржойлар қурилган массивлар ва улар яқинида маҳалла гузари, стадион, болалар майдончаси, дўкон, тиббиёт маскани, дорихона, сартарошхона ҳамда бошқа маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларининг барпо этилаётгани аҳолининг узоғини яқин қилиб, катта қулайлик яратмоқда.

– Катта қизим Ирода оиласи билан намунавий лойиҳа асосида қурилган уч хонали уйда яшайди, – дейди Ўрта чирчиқлик Абдураззоқ Ҳайдаров. – Куни кеча уникида меҳмон бўлдик. Атиги икки сотих жойни эгаллаган уйда барча зарур шарт-шароит яратилгани эътиборимни тортди, архитекторларига қойил.

Эътиборлиси, сифатли қурилиш, замонавий сантехника маҳсулотларидан самарали фойдаланиб, мустаҳкам қилиб қурилаётган бундай файзли ва шинам уйларни арзон нархда, имтиёзли, узоқ йиллик кредит ҳисобига олиш мумкин.

Мурод САЛИМ.

ТЎЙДАН КЕЙИН ҲАМ ҲАЁТ БОР...

Ўз шодлигу қувончини эл билан баҳам кўриш – юртдошларимизга хос фазилат. Албатта, яхши кунларнинг кўп бўлганига нима етсин?! Ўзбек хонадонида фарзанд дунёга келиши биланоқ тўй бошланади. Кўп ўтмай, бешик тўйи, сўнг хатна тўйи. Аскарнинг уйга қайтиши, олий ўқув юрти битирувчисининг диплом олиши, "унаштириш", "нон синдириш", "сабзи тўғрар" маросимлари ҳам тўйдан кам ўтмайди. Наҳорги ош, никоҳ базми ниҳоялангач, навбат "чарлар", "келинсалом" каби "кичик тўйлар"га берилади. Хуллас, ўтаётган ҳар кунимиз – тўй, тантана, шодиёна. Бу фаровонлигимиздан далолат, тўкинлигимиз, осойишталигимиз нишонаси. Аммо, ҳар ишнинг ҳам меъёри, мезони бор.

Маънавият

Ён-атрофимизда юз бераётган воқеаларни кузатайлик. Молиявий-иқтисодий инқироз асоратлари кўплаб мамлакатлар иқтисодиётини ҳам танг аҳволга солиб қўйди. Ўша давлатлар ўз халқига, ўз фарзандларига тайинли иш, ош-нон топиб бера олмай турган вазиятда, шукрки, бизда барқарор ўсиш суръатлари таъминланаяпти. Халқимиз ҳеч нарсага зориқиб қолаётгани йўқ. Шундай экан, "тўқликка шўхлик", деганларидек, неъматларни исроф қилиш, топганимизни беҳуда совуриш тўғри бўлармикан? Ахир, бугун бозор иқтисодиёти даври! Бу даврда пулни қандай топишни эмас, қандай сарфлашни билган одамгина ютади. Бирини икки қилиб, маблағини кўпайтирган ишбилармонларнинг хонадонига барака киради, рўзғори бут бўлади.

Давоми 4-бетда.

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

Чиноз туманида ҳам ҳар пайшанба жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тадбирлар, йиғилишлар ўтказилаётир. Зеро, эл осойишталигини асраш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш – масъулиятли ишдир.

ҲАМКОРЛИК САБОҚЛАРИ

Буни фақатгина ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ташлаб қўйиш тўғри эмас. Шунинг учун ҳам туман ҳокимлиги, маҳаллий кенгаш депутатлари, "Камолот" ЁИҲ, "Нуроний" жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди.

– Ишчи гуруҳ аъзолари билан хонадонларда бўлдик, – дейди Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфия Алимуҳамедова. – Одамлар билан дилдан суҳбатлашилди. Жазо муддатини ўтаб қайтган тўрт нафар фуқарони иш билан таъминлашга ёрдам берилди. Бундан ташқари, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка ружу қўйганлар, ноқобил фарзанди бор оилалар, жиноят қилишга мойил фуқароларга зарур маслаҳатлар берилиб, тегишли йўл-йўриқлар кўрсатилди. Бу борадаги ишларни изчил давом эттирмоқдамиз.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербоев томонидан туманнинг бир қатор қишлоқ ва маҳаллаларида бир неча кун давомида ўтказилган учрашув ва мулоқотларда ҳам аҳоли муаммолари, хусусан, жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада давлат идоралари ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан амалий таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Бундай тадбирлар доирасида туман ички ишлар бўлими масъул ходимининг ахбороти тингланмоқда. Куни кеча бўлиб ўтган шундай йиғилишларнинг бирида участка инспектори, маҳалла посбони ва фаоллари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақида сўз юритилди.

Сурайё АҲМЕДОВА.

2017 йилнинг иккинчи ярми учун
«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»
газеталарига обуна давом этмоқда!

МУЛОҚОТ – ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан бир гуруҳи Тошкент вилояти Оққўрғон туманида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

❑ Парламент назорати

Ўрганиш якунлари Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар, маҳаллий ҳокимият бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, фаоллар иштирокида ўтказилган Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида муҳокама қилинди.

Депутатлар 10 кун давомида тумандаги 900 дан зиёд хонадонда бўлиб, фуқаролар билан бевосита мулоқот қилди. Учрашувларда турли соҳа бўйича 967 масала кўтарилиб, уларнинг айримлари жойида ҳал этилди. Қолганлари бўйича маҳаллий идора ва ташкилотларга тегишли кўрсатма берилди. Ижтимоий объектлар, жумладан, туман тиббиёт бирлашмаси, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан танишди.

– Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга керакли тавсиялар берилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ш. Турсунбоев. – Депутатлар ва сенаторлар томонидан амалга оширилган тегишли чоратадбирлар натижасида 224 муаммо ва масала кўриб чиқилиб, ижроси таъминланди. Биринчи навбатда, қишлоқлардаги ички йўллар ҳолатини яхшилаш, бандликни таъминлаш, ичимлик суви, газ ва электр таъминоти бўйича аҳоли норозилигига сабаб бўладиган ҳолатларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Сессияда барча масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чоралар, уларнинг ижрочилари, муддатлари белгиланди. Халқ депутатлари туман Кенгаши, доимий комиссиялар, партия депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

А. МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан бир гуруҳи Тошкент вилояти Оққўрғон туманида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

ИМКОНИЯТЛАР КЎП, ҲАРАКАТ ЕТАРЛИ...МИ?

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига вилоятимиз бўйича 55 миллион беш юз минг АҚШ долларидан зиёд саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари Россия, АҚШ, Италия, Жанубий Корея, Литва, Бирлашган Араб Амирликлари, Грузия, Ҳиндистон, Қозоғистон каби дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатига экспорт қилинган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўп бўлишига қарамай, жорий йилнинг ўтган даврида белгиланган режа тўлиқ бажарилмаганини англатади.

Таъкидлаш жоиз, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Юқори Чирчиқ ва Янгийўл туманлари бу борада режани ортиғи билан уддалаган. Қолган ҳудудларда йилнинг иккинчи ярмида фаоллашув кутилмоқда. Мисол учун, паркентликлар август, сентябрь, октябрь, ноябрь ойларида катта миқдорда мева-чева, узум экспорт қилиш бўйича хорижликлар билан келишувга эришган. Бошқа туманларимизда ҳам саноат ва қишлоқ хўжалик товарларини ташқи бозорга сотиш бўйича қўлланилган шартномалар тузилган.

Саноат маҳсулотлари экспорти бўйича ишлаб чиқилган беш ойлик режани ошиғи билан бажарган янгийўлликлар хорижга мева-сабзавот етказиб бериш борасида кутилган натижага эришолмади.

– Баҳорнинг кеч келиши, шартнома тузилган баъзи мева-сабзавотлар ва қовун-тарвуз каби маҳсулотларимиз йилнинг иккинчи ярмида пишиб етилиши бунга сабаб бўлди, – дейди Янгийўл тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Раҳимжон Рихсиев. – Кейинги ойдан Россия, Жанубий Корея ва бошқа давлатларга қишлоқ хўжалик товарлари экспорти бошланади. Айтмоқчиманки, биз йил якунигача кўзда тутилган натижага, албатта, эришамиз.

Бугунги кунда вилоятимиз аҳли томорқалари, фермер хўжаликлари далаларида етиштирилган помидор, бодринг, турли кўкатлар, гилос, ўрик, эрта пишар олма, шунингдек, парранда гўшти ва тухуми, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар, турли хил техника, кимё ва дори воситалари, кир ювиш кукуни каби маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг вилоят филиали бу жараёнда юзага келаётган муаммоли масалаларни бартараф этиш бўйича тадбиркорларга ташкилий, ҳуқуқий, консультатив ҳамда молиявий ёрдам бериб келаётир.

Жорий йил бошидан буён филиал бир юз олтмишдан ортиқ тадбиркорлик субъектига қурилиш, текстиль, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда туризм, транспорт, маркетинг, консалтинг хизматларини хорижга экспорт қилишда кўмак берди. Натижада, умумий қиймати 175,3 миллион АҚШ долларлик шартномалар тузилиб, 37 дан зиёд тадбиркорлик субъектининг умумий қиймати 58,3 миллион АҚШ долларидан ортиқ товар ва хизматлари Россия, Хитой, Жанубий Корея, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинди.

Занғиота туманидаги "Class-food-servis" масъулияти чекланган жамияти қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни хорижга экспорт қилиш билан шуғулланади.

– Шу пайтгача 223,3 минг АҚШ долларлик маҳсулотимизни хорижга сотдик, – дейди "Class-food-servis" раҳбари Файзулло Раҳматуллаев. – Мақсадимиз – четга сотиладиган маҳсулот тури ва ҳажмини муттасил ошириб бориш. Тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг вилоят филиали кўмагида Москвада бўлиб ўтадиган халқаро озиқ-овқат кўргазмаси "World Food Moscow – 2017"да қатнашиб, корхонамизнинг кейинги даврдаги экспорт географияси ва ҳажми бўйича режа тузишни кўзлаяпмиз.

Айни кунда вилоятимизда яна 45 та корхона экспорт фаолиятига жалб қилинаётгани, туманларимизда сабзавот маҳсулотлари – саримсоқпиёз, қалампир, гулкарам, брокколи, салат барги, руккола каби экинлардан юқори ҳосил олиш ва четга сотиш йўлга қўйилгани эътиборга молик.

Муҳими, тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури кўпаймоқда. Мисол учун, Бўстонлиқ, Янгийўл ва Занғиота туманларида ишлаб чиқарилаётган велосипед, трикотаж бўёқлари ва болалар тагликлари жорий йилдан хорижлик истеъмолчиларга етказилаётир. Муҳими, тадбиркорларимиз бу борада доимо изланишда.

Шаҳар ва туманларимизда ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати ва нархи меъёрида бўлса, унинг рақобатбардошлиги ошиб, экспорт географияси кенгаяди. Даромад ва қўшимча буюртмалар миқдори ортиб боради, янги иш ўринлари очиш имконияти яралади. Булар эса турмушимиз бундан-да фаровон бўлиши, юртимиз янада тараққий этишига хизмат қилади. Мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда маҳсулот экспорти масаласига жиддий эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам аслида шунда.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бошланиши 1-бетда.



ВИЛОЯТ БЎЙИЛАБ

Яна 200 киши ишли бўлади

Оҳангарон туманида "LIMAX GOLD TEXTILI" хорижий корхонаси иш бошлаш арафасида.

Эски пиллахона негизида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳасининг қиймати 3 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, айни пайтда бу ердаги 3 гектарга яқин майдонда тўқиш, ип йигириш, қадоқлаш мажмуаси, омборхона бинолари сўнгги таъмирлаш-пардозлаш жараёни кетаяпти.

Хорижий сармоя ҳисобидан иш бошлайдиган корхонада ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган трикотаж маҳсулоти – пайпоқлар ишлаб чиқарилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, цехларда иш бошлангач, 200 та янги иш ўрни вужудга келади. Корхонага асосан, коллеж битирувчиларини жалб этиш режалаштирилган. Замонавий дастгоҳларда ишловчи йигит-қизларга уларни бошқариш борасида маҳорат дарслари ўтказилади, маълум кўникмалар берилади.

– Йигирма йилдан буён ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиб келамиз, – дейди лойиҳа ташаббускори, тадбиркор Ли Сян Цзианг. – Ўзбекистондаги қулай ишбилармонлик муҳити янада кўплаб истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга оширишимизга йўл очади, деб ўйлайман.

Райҳон САЛАЕВА.

Ангренда янги меҳмонхона қурилади

Муҳайё Алиева "Ангрен этюд-Шарқ" хусусий корхонаси раҳбари. Тижорат банкидан олинаётган кредит эвазига меҳмонхона хизмати ва дам олиш маскани очишни бошлаб юборди.

Тадбиркорнинг айтишича, Ангренда Республика бокс федерациясига қарашли ўқув-йиғин машғулотлари базаси бор экан. Спортчиларнинг меҳмонхонага эҳтиёжи бўлгани учун мазкур ташаббусга қўл урди. Лойиҳага кўра, бу ерда спорт ва компьютер хизматлари маркази ҳам бўлади. Ишлар якунига етгач 15 га яқин одам иш билан таъминланади.

Феруза ТЎРАЕВА.

Набиранинг қуроқи кўрпалари

Қибрайлик Набира Исломова 24 ёшда бўлишига қарамай қўли гул ҳунарманд. Тиккан кўрпа, кўрпача ва ёстиқлари анча харидгор бўлиб қолди.

Буни яқин-атрофдан уни сўроқлаб келувчилар кўпайганидан ҳам билиш мумкин. Шунисиқувонарлики, у оиласининг анъанасини давом эттирмоқда.

– Бу қизимиз яқинда уюшмамизга аъзо бўлди, – дейди туман "Ҳунарманд" уюшмаси бўлими раҳбари Нигора Каримова. – Туманимизда ҳеч ким бу йўналишда фаолият юритмаганди. Эътиборлиси, у унутилиб бораётган анъанавий қуроқчиликни ўз ишларида акс эттиришга ҳаракат қилаяпти.

Ўз мухбиримиз.

Уй бекалари учун

"Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда семинар-тренинг уюштирилди.

Тадбир махсус лойиҳа доирасида қишлоқ ҳудудларидаги тадбиркор ва ишбилармон аёлларнинг кўникмаларини ошириш ҳамда бизнес мураббийларни тайёрлаш мақсадида ташкил этилди. Унда вилоятдаги бизнес мураббийлар ва эндигина тадбиркорликни бошлаган, уй бекаси бўлган хотин-қизлар қатнашишди.

Ўз мухбиримиз.

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Бугун юртимизда амалга оширилаётган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислоҳотлар жараёнида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларини, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини мужассам этган ноёб бошқарув тизими – маҳалланинг иштироки тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ёшларни маънан етук, жисмонан баркамол қилиб вояга етказишда маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

❑ Кучли фуқаролик жамияти сари



"Дўрмон" маданият саройида "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар кўмагида ташкил этилган танловда барча туман ва шаҳарлардан 18 маслаҳатчи қатнашди. Уларнинг турли масалалар ечими бўйича билими ва дунёқараши савол-жавоблар орқали синовдан ўтказилди.

– Бугунги кунда ушбу лавозимда ҳаётий тажрибага эга бўлган, аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий анъана ва урф-одатларни ривожлантиришга ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли, фаол хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда, – дейди вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раиси Ҳакимжон Ҳамидов. – Бу каби тадбирларда маслаҳатчиларнинг маҳоратини кўриб, маҳаллаларда ёшларимиз тарбияси ишончли қўлларда эканидан қувонамиз.

Танловда барча шартларда юқори натижаларга эришган Ангрен шаҳар "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Манзура Исоқова биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида қатнашиш имконини қўлга киритди.

– Ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол қилиб вояга етказишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўрни тобора ортиб бормоқда, – дейди Манзура Исоқова. – Бу эса, ўз навбатида, маҳалла фаоллари, айниқса, маҳалла маслаҳатчиси зиммасига катта масъулият юклайди. Шу ишончни чуқур ҳис қилган ҳолда, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Танлов доирасида ташкил этилган фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид кўргазмада вилоятимиз маҳаллаларида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳикоя қилинди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Баҳодир Аҳмедов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.
Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.

❑ Танлов

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан Қибрай молия-иқтисодиёт коллежида ўтказилган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" ҳамда "Барҳаёт анъаналар" кўрик-танловларининг ҳудудий босқичида Ватан муҳаббатини юрагига жо қилган иқтидорли коллеж ўқувчилари иштирок этди.



АБАДИЙ МАВЗУЛАР ТАРАННУМИ

– Ватан – ота-боболаримизнинг муборак ҳоклари ётган табаррук замин, – дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси маънавият бўлими бошлиғи Соҳиба Ҳамроқулова. – Бу буюк ва бебаҳо хазинамиз – бизнинг ор-номусимиз, қадр-қимматимиз, имон ва эътиқодимиз, ғурур ва ифтихоримиздир. Бугун ўтказилаётган кўрик-танловлар ўқувчиларда мана шундай ватанпарварлик туйғулари, улуғ инсоний фазилатларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, Ватан мадҳи, ғурур ва ифтихор туйғулари жўш урган қалб садолари янграганда томошабинлар узоқ олқишладилар. Барҳаёт анъаналаримизни ўзида акс эттирган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фольклор дасталари халқ оғзаки ижоди дурдоналарини маҳорат билан ижро этди. Миллий қадрият ва анъаналаримизга йўғрилган бу чиқишлар йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" танловида Чирчиқ шаҳар техника касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Жанғали Адилов мухлису мутахассислар олқишига сазовор бўлиб, 1-ўринни қўлга киритди. "Барҳаёт анъаналар" кўрик-танловида эса Юқори Чирчиқ мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчилар жамоасига тенг келадигани топилмади.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сайёра ЭШМАТОВА.
Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.

САРДОРЛАР БАҲСИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот сардорларини қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини оммалаштириш мақсадида "Йил сардори" анъанавий кўрик-танловини ўтказиб келмоқда.

Қибрай туманидаги 2-мусиқа ва санъат мактабида мазкур танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловнинг маҳаллий босқичларида ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар "Мен – сардорман!", "Истеъдод", "Интеллектуал ринг" ва "Ташаббус" шартларида ўзаро беллашишди. Якунда ҳакамларнинг холис баҳоси ва йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлган Паркент транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи бошланғич ташкилот сардори Расулат Махсумова ғолиб бўлди.

Шунингдек, танловда фаол иштирок этган тўққиз сардор Бўстонлиқ туманидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳида бўлиб ўтадиган "Йил сардори" кўрик-танловининг республика босқичи ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилот сардорларининг форумида қатнашиш имконини қўлга киритди.

Отабек ИСРОИЛОВ,
танлов иштирокчиси.

«БИЗ ВАТАНГА ТАЯНЧМИЗ»

Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият саройида вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ижодкор ўқувчилари иштирокида мушоира ўтказилди.

❑ Мушоира

Унда таниқли шоир ва ёзувчилар, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари қатнашди. Мақсад – юксак билимли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш, "Биз Ватанга таянчмиз" шиори остидаги акциялар, маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари орқали ўқувчиларда жамият тараққиёти, Ватан келажагига дахлдорлик туйғуларини кучайтириш.

Мушоирада Олмалиқнинг "Жилға" ижодкор ёшлар тўгараги аъзолари ва бошқа шаҳар-туманлардан келган ўқувчиларнинг шеърлари тингланди, турли кўрик-танловлар ғолибларининг бадиий чиқишлари намойиш этилди ва қатнашчиларга китоблар совға қилинди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Баҳодир Аҳмедов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишишингиз мумкин.

❑ Қишлоқ мулкдорлари

ФЕРМЕР БЎЛСАНГ, САЙРАМОВДЕК БЎЛ

– Ишни 7 гектар ташландиқ ерни обод қилишдан бошлаганмиз, – дейди Оҳангарон туманидаги "Шоштепа шамс" фермер хўжалиги раҳбари Тоҳир Сайрамов. – Бошида эплаб кетармиканман, бошқа юмуш билан шуғуллансаммикан, деган ҳадиқ ва ўйлар ҳам бўлган. Лекин, ниятни яхши қилиб, катта мақсадларни кўзлаб, оилам билан бирга ҳаракат қилдик. Йўлда учраган тўсиқларни бирга енгиб ўтдик. Мана, ҳозир кўп тармоқли хўжаликнинг "ўтидан" кириб, "суви"дан чиқаяпмиз.

Дарҳақиқат, 2005 йилда фаолиятини бошлаган мазкур хўжаликда амалга оширилаётган ишлар бугун кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Қўшни туман ва шаҳарлардан, ҳатто бошқа вилоятлардан ҳам келиб, қишлоқ мулкдорининг соҳада эришаётган натижалари, тўплаган бой тажрибаси билан танишишмоқда. Бу ҳақда мулоҳаза юритилар экан, ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, фермер Тоҳир Сайрамовнинг хўжалик юритишда қўлга киритаётган ютуқларининг сири нимада?

Бир қарашда бу ишда ҳеч қандай синоат йўқдек. Аммо, чорвачиликка ихтисослашган кичик бир жамоада 10 дан зиёд тармоққа асос солингани ҳазилакам гапми? 77 гектар ер майдони ва 105 гектар яйловда деҳқончилик, боғдорчилик, сутни қайта ишлаш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, кулолчилик, иссиқхона каби тармоқлар кун сайин ривож топмоқда.

– Қишлоқ мулкдорларининг изчил қўллаб-қувватланиши ҳар бир фермерда ўзига ишонч уйғотади, – дейди Т. Сайрамов. – Биз фақат бир йўналиш билангина шуғулланиб қолмасдан, маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш, қишлоққа саноатни олиб киришда фаол қатнашаяпмиз. Масалан, қисқа вақт ичида фермер хўжалигимиз кўп тармоқлига айланди. Тажрибадан маълумки, етиштирилган маҳсулот хом ашё сифатида эмас, қайта ишлаб, тайёр маҳсулот шаклида сотилса, даромад салмоқли бўлади.

Буни қарангки, "Паррандасаноат" уюшмасидан маълум қилишларича, ҳозирча биргина мазкур хўжаликда Пекин ўрдакларини кўпайтириш, уларни саноат миқёсида парваришлаш йўлга қўйилган экан. Бунинг учун банк кредити ҳисобидан замонавий инкубатория ҳам ташкил этилибди. Ҳозир бу ерда хориж технологиясига асосланган "иссиқ пол" усулида парваришланаётган ўрдак жўжалари ҳар 50 кунда етилиб, 2,5 килограммгача тош босаяпти. Биласиз, ўрдак гўштига товуқникига нисбатан харидор кўп. Бунинг устига бу жонивор анча чидамли, яъни касалликларга чалиниавермайди.

Хўжалик довруғи атрофга ёйилишининг яна бир сирини очайликми?

Фермер хўжалик вакиллари қатиқнинг харидоргир бўлиши учун узоқ изланишди. Йўли топилди. Қадимда момоларимиз томонидан қўлланган қатиқни кўзаларда ивитиш усулини замонавийлаштириб, такомиллаштирган ҳолда аҳолига тортиқ қилинди. Қарангки, бундай усулда қатиқнинг мазаси ва сифати анчагача бузилмас экан. Одатда, идишлардаги қатиқнинг сақланиш муддати уч кундан ошмайди. Кўзадаги маҳсулот эса етти кунгача айнимайди, мутлақо сув очмайди. Хўжалик ишчилари турли ғояларни умумлаштириб, рангли "ряженка"га ҳам асос солишди. Риштонлик кўза ясовчи усталар жалб этилди. Ангрендан сопол учун мос бўлган тупроқ олиб келинди. Шу тариқа ишлар юришиб кетди. "Ачитқи" ёрдамида махсус усулда ивитилаётган қатиқларнинг довруғи довон ошмоқда.

Меваларни қайта ишлайдиган цех ҳам қишлоқдаги биринчи саноат корхонаси ҳисобланади. Бу ерда икра, томат пастаси, турли жемлар, тут, қулупнай ва малинадан мураббо тайёрланмоқда. Фермер мева ва сабзавот шарбатларини ҳам сопол шишаларга қадоқлаб чиқариш устида изланмоқда.

– Режаларим кўп, – дейди Т. Сайрамов. – Фермада чиқаётган маҳаллий ўғит аввал муқобил энергия – биогазга айлантирилиб, қолдиқдан ҳосил бўлган биогумусларни махсус қопларга қадоқлаб, талабгорларга сотиш ҳақида ўйлаяпмиз. Хўжаликдаги иссиқхонани ҳам биогазда иситишни режалаштирганмиз. Иссиқхоналарда махсус тувакларда камёб гул кўчатларини етиштиришни йўлга қўймоқчимиз.

Эҳ-ҳе, Тоҳир аканинг қилаётган ишларини санаб саноғига етолмайсан, киши. Ташкил этилган сунъий кўлда балиқнинг майда навлари парвариш қилинаётганига нима дейсиз? У ўрдаклар учун табиий ва тайёр озуқа экан.

Саодат САЙДУЛЛАЕВА, ТДИУ эконометрика кафедраси ўқитувчиси.

ФАВВОРА ИЗЛАБ...

Бундай завқ-шавқ ҳар қандай тош қотган дилни ҳам эритиб, ҳаётбахш туйғуларга ошно этишини ўйлаганда, ҳар нарсага қодир инсон тафаккурига қойил қоласан, киши. Мустақил диёримизнинг юраги – азим Тошкентдаги шундай мўъжизавий фавворалар нафақат пойтахтликлар, балки қанча-қанча хорижлик меҳмонларимизга беқиёс завқ-шавқ, руҳий тетиклик бағишлайди. Сайёҳлар эса бу мўъжизаларни яратган қўлларга, беназир тафаккур соҳибларига тасаннолар айтишади.

Тошкентимизни бежиз фавворалар шаҳри, дейишмайди. Тинчлик ва осойишталикни, юксак маънавият ва маданиятимизни кўз-кўз қилаётган осмонўпар бинолар, гўзал боғ-роғлар, кенг, равон ойдин кўчалар, хиёбонлар ҳуснига ҳусн қўшиб чарх ураётган фавворалар айни жазирама кунларда одамни оҳанраробдек ўзига тортиб туради. Лекин, бу каби мўъжизалар вилоятимизнинг барча ҳудудларида ҳам одамларга роҳат, ҳузур бағишласа – қандай яхши эди!

Яқинда Ангрен шаҳрининг марказий кўчаларидан бирида қурилган "Афсона" тантаналар уйи олдида ишга туширилган шундай чиройли фаввора шаҳар аҳлининг севимли ҳордиқ чиқариш масканига айлангани рост. Айниқса, кечқурунлари каттаю кичикка ҳузур бағишлайдиган шундай роҳатбахш масканлар кўпроқ бўлгани дуруст. Навоий номидаги истироҳат боғи ёнида ташкил этилган бу хушманзара масканда болалар майдончаси, салқин ичимликлар, музқаймоқлар сотиладиган савдо шахобчалари ҳам бор. Фаввора атрофида қийқириб ўйнаётган болажонлар қувончи чексиз. Худди шундай истироҳат маскани "Ёшлар боғи"да ҳам ташкил этилган бўлиб, айниқса, никоҳланувчи ёшларнинг бахтли онларига гувоҳ бўлмоқда.

Лекин, эътиборсиз ташлаб қўйилган фавворалар ҳам йўқ эмас. Кўпгина маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган Навоий номидаги маданият саройи ҳудудидаги сувсиз фаввора кўнгилни хира қилади.

Бу каби ҳолатларни Чирчиқ, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлиқ, Зангиота, Қибрай, Оққўрғон, Оҳангарон, Пискент, Паркент, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Куйи Чирчиқ туманларида ҳам кузатиш мумкин. Тўғри, бунинг учун мутасаддиларга масъулият, қунт, ҳафсала ва, аввало, маблағ зарур. Лекин, "Қаловини топсанг қор ҳам ёнади", дейишади. Қолаверса, одамларга хуш кайфият бағишлаш, мароқли ҳордиқ чиқаришларига шароит яратиб, уларнинг дуоларидан баҳраманд бўлиш савобидан ҳеч ким юз ўгирмаса керак.

– Сўнгги пайтларда шаҳримизда қурилиш кўпайди, – дейди меҳнат фахрийси Гулсанам Ғофурова. – Жазирама ёз кунлари атрофга салқинлик берадиган фавворалар қанча кўп бўлса, шунча яхши-да. Невараларим билан Навоий паркига кўп келамиз. Кўпроқ фаввора яқинида ўйнашни хуш кўришади улар. Аҳоли гавжум жойлар, бозорлар, шоҳбекатлар, таълим муассасалари, маданият масканлари, маҳалла гузарларида фавворалар кўпайишини жуда истардик.

Кўпгина шаҳар ва туман марказларида ҳам ишламай, қуриб ётган фавворалар ҳам кўп. Ахолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун, ёз кунлари, айниқса, фавворалар, чўмилиш ҳавзаларига эҳтиёж кучли бўлишини, болажонларда атроф-муҳитга меҳр-муҳаббат туйғусининг шаклланишида ҳам қулай шароитлар муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиб, бу борадаги ишларни жонлантириш зарур.

– Бизнинг Чирчиқ шаҳримизда сув сероб, лекин фавворалар кам, – дейди уч фарзанднинг онаси М. Зокирова. – Тўғри, баъзи тантаналар уйи, кафелар олдида сув сочиб турганларини кўришимиз мумкин, аммо улар фақат кечқурунлари ишлатиб қўйилади.

– Тошкентга атайин фавворалари томоша қилишга борамиз, – дейди оққўрғонлик Гулчеҳра Муродова. – Бизнинг туманда ҳам фавворалар жуда кам. Борлари ҳам ишламайди.

Мухтасар айтганда, болажон халқимиз ҳар қандай шароитда энг аввал фарзандлари учун жон куйдиради. Ёзнинг иссиқ кунларида болаларимиз чиройли фавворалар атрофида яйраб ўйнаса, сув ҳавзаларида мириқиб чўмилса, дейишади. Ёдингизда бўлса, халқимиз севиб томоша қиладиган "Чинор остидаги дуэль" кинофильми қаҳрамонлари ҳам Тошкентга келишганда энг аввал фавворани томоша қилишади, шу ерда суратга ҳам тушишади. Демак, ёш кўнгилда гўзалликка шайдолик, эзгуликка интилиш кучли бўлади. Агар шаҳару қишлоқларимизни фавворалар бой истироҳат масканлари безаб турса, булар атрофга нафақат мусаффолик, балки, бамисоли меҳр томчилари, хуш кайфият, эзгулик насимларини ҳам улашарди.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бошланиши 1-бетда.

❑ Тараддуд

Ёғин-сочин ва изғиринли кунлар келишига ҳали анча бор, демай, куз-қиш тадоригини ҳозирдан кўриб қўйган одам панд емайди, мавсумни хотиржам, беташвиш ўтказади.

ГАЗ ҚУВУРЛАРИ ҚИШДА ЗАНГЛАМАЙДИ

"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасининг "Оҳангарongаз" филиалида бу борада белгиланган устувор вазифалар асосида йиллик режа тузилиб, май ойидан кечикмай, ижросига киришилди.

Режага мувофиқ, куз-қиш мавсуми бошлангунга қадар 355 та газ тақсимлаш пунктларидаги ускуналар совуқ кунларда ҳам узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида тафтишдан ўтказилиши, ёғин-сочин таъсирида зангламаслиги учун бўялиши керак. 69,7 километр узунликдаги газ қувурларини махсус асбоб ёрдамида текшириш, 153,3 километр масофадаги қувурларнинг зичлигини синаб кўриш ва кучли ҳаво босими остида тозалаш лозим. Шунингдек, ҳамма дудбуронларнинг созлиги кўздан кечирилиб, мавсумга шайлиги ҳақида далолатномалар тузилиши шарт.

Мавсумга тайёргарлик жараёнида режага киритилган 8 та газ тақсимлаш пунктлари ҳозирданоқ бўяб қўйилди. Шунингдек, йиллик режадаги 10,7 километр узунликдаги газ қувурларининг 8,96 километри бўёқдан чиқарилди. 59 та газ тақсимлаш пунктларининг ҳолати кўздан кечирилиб, созланди. Режага киритилган газ қувурларининг қарийб учдан бир қисмининг зичликка бардоши синалиб, ҳаво босими остида тозаланди.

– Йиллик режада белгиланган устувор чора-тадбирларни биринчилардан бўлиб бажариш ҳаракатидамиз, – дейди филиал етакчи мутахассиси Нурилло Юнусов. – Шундан сўнг дудбуронларни тозалаш, созлаш, газ тақсимлаш пунктлари ҳамда кўпдан бери фойдаланилаётган газ қувурларини реконструкция қилишга киришамиз. Бундан ташқари, ер ости газ қувурларининг ҳолати ҳам бир сидра кўздан кечирилиб, эҳтиёж бўлса тартибга келтирилади.

Самад ЙЎЛДОШ.

ГУЛКАРАМ – КЎП ДАРДГА МАЛҲАМ

Ўрта Чирчиқ туманидаги "HUM POVER BUSINESS" масъулияти чекланган жамиятининг Фарҳоджон Каримжонов раҳбарлигидаги 8 аъзоси ғаллачиликдан ташқари, парҳезбоп, оқсил, калий, кальций, магний ва фосфорга бой гулкарам етиштиришда катта тажрибага эга.



❑ Интилиш

21 гектар майдондаги "Барселона", 11 гектардаги "Снержин", "Бракомин" навли гулкарамлар пишиб етилиб, пешма-пеш узилмоқда.

– Юртдошларимиз севиб тановул қиладиган сабзавот витаминларга бой бўлиб, айниқса, йод миқдорининг кўплиги билан бошқа маҳсулотлардан ажралиб туради, – дейди иш юритувчи Шокиржон Турғунов. – Яна бир жиҳати, ёшартириш хусусиятига эга. Шу сабаб, хорижликларнинг ҳам бу маҳсулотга талаби катта. Гулкарамлар узиб олингач, қайта ишланади ва Россия, Корея каби давлатларга экспорт қилинади.

Жамият келгусида 5 гектар майдонда иссиқхона ташкил қилиб, гулкарам кўчатларини етиштиришни режалаштирди. Ҳосил йиғиштириб олингач, қурилиш бошлаб юборилади. Кейинги йилда эса, 30 гектарга ўрик, 30 гектарга олхўри, 40 гектарга гилос кўчатлари экилади.

Анора КАРИМОВА.
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Вилоят ҳудудида 5 июндан 11 июнга қадар 30 та ёнғин қайд этилди. Уларнинг 11 таси аҳоли уйларига тўғри келади. Ёнғин чиқиши сабаблари таҳлил қилинганда, 8 таси электр симларининг қисқа туташуви, 9 таси болалар шўҳлиги, 13 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлгани аниқланди.

Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни "Ёнғинлар профилактикаси куни" деб белгиланган муносабати билан эндиликда соҳа ходимлари томонидан аҳоли ва ташкилотлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушунтириш ишлари янада кенг кўламда ўтказилмоқда.

Ҳурматли фуқаролар! Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўлимизда эканини унутмайлик.

Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ.

❑ Таълим муассасаларида

ҲАМ ЎҚИТАМИЗ, ҲАМ ЎҚИЙМИЗ

Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини амалиётга самарали жорий этиш" мавзуи доирасида ўқув курслари ташкил этилди.

10 та фан бўйича ташкил этилган курсларга 18 та туман ва шаҳардан жами 300 нафар фан ўқитувчилари ва методистлар жалб қилинди. Ўқув курси якунида тест синовидан ўтган ўқувчиларга гувоҳномалар топширилди.

Яна бир гап. Республика таълим маркази раҳбар ва ходимлари ўқув курсининг ўтказилиш жараёни билан танишиб, тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

– Тингловчилар билан қизиқарли мавзуларда суҳбатлашдик, – деди доцент Абдуқаюм Абдуллаев. – Уларни соҳадаги сўнгги янгиликлар билан таништирдик. Иштирокчиларнинг ўз устида ишлашлари бизни қувонтирди.

Хуршида НАЗАРОВА.

МУСТАҲКАМ ОИЛАЛАР ИБРАТИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Зангиота академик лицейида "Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш оилалар мустаҳкамлиги ва жамият саломатлигининг гаровидир" мавзуида учрашув ташкил этилди.

Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, "Оила" илмий-амалий маркази, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигидаги тадбир Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 январдаги соғлиқни сақлаш соҳасининг етакчи мутахассислари билан учрашувида белгилаб берилган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш мақсадига қаратилди.

Учрашувда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга оид ишлар, ёшларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшашга интилишини кучайтириш ҳақида сўз борди. Соҳада фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, жойлардаги муаммоларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан таклиф-тавсиялар билдирилди.

Саида ИКРОМОВА.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

муросасиз муносабатни талаб этади

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда инсон манфаатлари устунлигини таъминлаш, барча соҳада одамлар дуч келиши мумкин бўлган турли бюрократик тўсиқ ва ғовларнинг, сансалорлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар қамрови кенгаймоқда. Бу эса давлат идоралари ҳамда халқ ўртасида очиқ, шаффоф муносабатлар қарор топишида, фуқароларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишонч туйғуси мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутмоқда.

Шу билан бирга, "Адолат – қонун устуворлигида" тамойили асосида жамиятда қонунларга ҳурмат ҳиссини, қонунбузилишларга нисбатан муросасиз ёндашувни кучайтириш ўзининг долзарб аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда.

Республикамизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида тегишли ташкилий-ҳуқуқий база яратилди, жорий йил 4 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини кучайтиришга хизмат қилаётганини алоҳида қайд этиш мумкин. Қонун ижро механизмини такомиллаштириш мақсадида, Президентимиз қарори доирасида 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди.

"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, шунингдек, тизим органларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент вилояти статистика бошқармаси ва унинг ҳудудий статистика бўлимларида "2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комплекс чора-тадбирлар режаси" ишлаб чиқилди.

Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимлари томонидан ушбу комплекс чора-тадбирлар режаси ва қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан доимий мониторинг ўрнатилиб, назоратга олинди.

Шунингдек, бошқарма ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик маслаҳат кенгаши томонидан тадбиркорлик субъектларининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, келгусида давлат статистика соҳаси йўналишларини янада ривожлантириш, улардан келиб тушган мурожаатларнинг таҳлили ва ечими бўйича тавсиялар берилди. Тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай шароитлар яратиш борасида бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимларида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги муҳокама қилиб борилмоқда. 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комплекс чора-тадбирлар режасида белгилаб берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларга етказиш мақсадида жойларда семинарлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни талабларини тўлиқ бажариш юзасидан бошқармининг расмий веб-сайти www.toshvilstat.uz га очиқ статистик маълумотлар ҳар ой якуни бўйича жойлаштирилиб, узлуксиз фаолият олиб борилиши таъминланмоқда. Давлат статистика органлари фаолиятининг очиқлигини ёритиб берувчи маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш, шу билан бирга Давлат статистика қўмитаси томонидан берилган топшириқларнинг бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимларида ижро этилиши юзасидан доимий равишда ўрганишлар ўтказилмоқда.

Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимлари томонидан ўз фаолиятининг тизимли таҳлилини олиб бориш, коррупция хавфига дучор бўлган соҳа ва йўналишларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларини олдиндан кўриш асосида коррупциянинг олдини олиш бўйича барча ходимлар огоҳликка чақирилиб, тушунтиришлар олиб борилмоқда.

Мухтасар айтганда, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига татбиқ этилиши мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, аҳолини барқарор ва сифатли иш билан таъминлаш, одамларнинг турмуш сифати ва ҳаёт даражасини янада яхшилаш, жамиятда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси.

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ АНЖУМАН

Аввал хабар берганимиздек, Бўстонлиқ туманида "Чимён садоси – 2017" анъанавий экологик-сайёҳлик фестивали бўлиб ўтди. Уч кун давом этган мазкур тадбирда мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ҳамда Қозоғистон ва Қирғизистондан келган иштирокчилар фестивалга ташриф буюрган меҳмонларни ўз ижод намуналаридан баҳраманд этишди.

«Чимён садоси – 2017»

Тадбир Ўзбекистон маданият вазирлиги, экологик ҳаракат, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари Экофоруми, экстремал ва тоғ туризми федерацияси, "Чимён оромгоҳи" соғломлаштириш маркази, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва қатор корхона ва ташкилотлар ҳомийлигида ташкил этилди.

– Бундан 40 йил аввал "Чимён садоси" фестивали муаллифлик қўшиқлари танлови сифатида бошланган эди, – дейди Ўзбекистон экстремал ва тоғ туризми федерацияси раҳбари Леонид Козловский. – Аста-секин унинг доираси кенгайиб борди. Альпинизм, қояларни забт этиш, тоғда велосипед ҳайдаш, чўққига чиқиш каби мусобақалар фестиваль дастурининг ажралмас қисмига айланиб қолди.

Шунингдек, ушбу тадбир доирасида "Биз – тоза Чимён учун" экологик акцияси ўтказилди. Бундай ташаббус Чимён ҳудуди мусаффолигини таъминлаш, хусусан, маиший чиқиндилардан тозалаш, меҳмонлар ва дам олувчилар орасида атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш масалаларида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яна бир эътиборли жиҳати, бундай акцияларда қатнашиш истагини билдираётганлар сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Шу билан бирга "Очиқ осмон остида экомактаб" машғулотлари ҳам ташкил этилди. Унда биохилмахилликни асрашга қаратилган қизиқарли ўйинлар ва танловлар ўтказилгани қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

100 дан ортиқ меҳмон ва саёҳатчилар жалб этилган ушбу экологик акцияда иштирокчиларга маиший чиқиндиларни йиғиш учун махсус халтачалар тарқатилди. Ҳудудни турли чиқиндилардан тозалашга қаратилган экологик акция фестиваль доирасида ўтказиладиган тадбирларнинг энг муҳимларидан биридир. Акция якунида иштирокчилар томонидан йиғилган чиқиндилар Бўстонлиқ тумани ободонлаштириш бошқармасининг махсус транспорт воситаларида белгиланган жойларга олиб кетилди.

Анъанага кўра, фестивалнинг иккинчи куни спорт мусобақалари бошланди. Мусиқавий шоудан ташқари иштирокчилар ва кўп сонли томошабинлар тоғ велосипеди бўйича мусобақанинг гувоҳи бўлишди. Унда спорт клуби аъзолари ҳамда ҳаваскорлар иштирок этди.

– Чимён тоғларига саёҳат қилиш биз учун анъанага айланиб қолди, – дейди Қозоғистондан келган мусиқачи, шоир ва бир қатор қўшиқлар муаллифи Марс Содиқов. – Унда иштирок этишнинг завқи, таассуроти бошқача.

Фестивалда "Булоқча" ("Родничок") болалар экологик журнали томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида амалга оширилаётган "Соғлом келажак учун" лойиҳаси доирасида "Табиатни асраймиз" мавзусида давра суҳбати ҳам ўтказилди.

Уч кунлик мусиқали марафон ўз ниҳоясига етди. Гран-при мукофотини пойтахтлик Александр Полатин қўлга киритди. Унга фестивалнинг асосий совриги топширилди. Шунингдек, турли спорт мусобақалари ғолиблари ҳам аниқланди.

Ҳуррият МЎМИНОВА.





Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йили Россияда бўладиган Жаҳон чемпионатининг Осиё минтақаси саралаш турнирида навбатдаги аламли мағлубиятини тан олди.

Футболчиларимиз саралаш гуруҳи пешқадами – Эрон майдонида тўп сурганига қарамай, мухлислар қимматли уч очко келтирадиган муҳим ғалабани сўнгги дақиқагача кутди. Йўқ, мўъжиза юз бермади ва кучли томон икки гол эвазига зафар қучиб, муддатидан олдин Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Бу ўйинни томоша қилган ўзбекистонлик ашаддий ишқибозлар хонадонида бутун тошойна қолдимикан?

ОЙИНГИЗДАН ҚОЛГАН ТОШОЙНА БУТУНМИ?



Дунёда футбол ишқибози борки, ўз юрти футболчиларини энг нуфузли мусобақа – Жаҳон чемпионатларида маҳорат кўрсатишини, мамлакатининг номини дунёга ёйилишини кутиб яшайди. Техрондаги учрашувдан кейин эса буларнинг бари яна саробга айланди, ҳисоб...

Ўзбекистон миллий терма жамоаси мундиаль йўлланмаси учун олтинчи маротаба курашмоқда. Аксарият ҳолатда футболчиларимиз мақсадга бир қадам қолганида имкониятни қўлдан чиқарган. Ҳар гал бир "сценарий" такрор бўлаяпти, тавба.

Шунга қарамай, бу гал ҳам мухлисларнинг умиди катта эди. Ҳал қилувчи учинчи саралаш босқичининг дастлабки ўйинларида кетмакет икки ғалабадан руҳланган жамоа бош мураббийи Самвел Бабаян бу жамоа тарихидаги энг кучлиси эканини таъкидлаб, ишқибозларнинг ишончини алангалатди. Бироқ, қисқа фурсатда вазият ўзгарди, умумий ҳисобда ҳал қилувчи босқичнинг саккизта ўйинида тўртинчи мағлубиятини тан олган терма жамоамизнинг Жаҳон чемпионатига бориши катта сўроқ остида турибди.

Хўш, бунга ким айбдор? Тактика танлашда нўноқлиги айтилаётган бош мураббийми ёки кутилган ўйинни намойиш этолмаётган футболчиларми?

Бизнингча, муаммо бошқа томонда. Тўғри, бу вазиятда мураббийни ҳам, футболчиларни ҳам оқлаб бўлмайди. Лекин, Ўзбекистон миллий терма жамоасини Миржалол Қосимов, Вадим Абрамов, Рауф Инилеев, Юрий Саркисян каби юртимизнинг энг моҳир мураббийлари, шунингдек, Владимир Сальков, Валерий Непомняшчий, Роберт Хоутон, Ханс Юрген Гёде, Убиража Вейга да Сильва каби хорижлик мутахассислар ҳам буюк ғалабалар сари етаклай олмаган-ку.

Футбол масаласида ҳозирги таркибни сезиларли даражада кучайтириб, жамоани ўз ортидан эргаштира оладиган бирор ўйинчи четда қолиб кетдими?! Самвел Бабаяннинг назарига тушмаганлари бўлса бордир. Лекин ишонинг, улар ҳам Эрондек терма жамоага қарши майдонга тушиб, мағлубиятни ғалабага айлантириб юборадиган даражада қудратли эмас!

Бугунги кунда миллий чемпионатимиз савиясини кўтармасак, жамоалар рақобатбардошлигини оширмасак ва, энг муҳими, истеъдодли болалар, ўсмирлар, ёшларни маҳоратли футболчиларга айлантиришнинг самарали тизимини яратмасак, Жаҳон чемпионатлари биз учун ширин орзу, тўғрироғи, аччиқ армон бўлиб қолаверади.

Футболимиз тобора ривожланаётгани ҳақида қанчалар жар солсак ҳам, терма жамоаларимиз ва клубларимизнинг халқаро майдондаги натижалари асл аҳволдан далолат бериб турибди. Ислоҳотлар даври келганга ўхшайди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Олий лигада 16 та жамоа иштирок этади. Аслида уларнинг ҳар бири терма жамоа учун муносиб футболчиларни тарбиялаб бериши керак. Бу клуб савиясини кўрсатувчи омиллардан эканини тан олишимиз зарур. Бу масалада бир оз ижобий ўзгаришлар бор. Илгарилари мамлакат бош жамоаси, асосан, "Пахтакор" негизида ташкил қилингани ҳеч кимга сир эмас. Айни пайтдаги таркибга ички чемпионатдан "Пахтакор", "Локомотив", "Насаф", "Бунёдкор"дан ташқари, "Қўқон-1912" ва "Металлург" вакиллари ҳам жалб этилди. Айниқса, "Металлург"да ишончли ўйинлари билан терма жамоа мураббийлари эътиборига тушган Исломжон Қобиловнинг мамлакатимиз бош жамоасига таклиф олгани вилоятимиздаги футбол ишқибозларини беҳад хушнуд қилди.

Ўзбекистон футболни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратаётган мамлакат. Мустақиллик йилларида ушбу соҳани ривожлантиришга доир ўндан зиёд ҳужжат имзолангани фикримизга асос бўлади. Дунёда футбол тараққиётини шунча қўллаб-қувватлаётган давлат бўлмаса керак.

Албатта, юртимизда мазкур ҳуқуқий база асосида футболни ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасини ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги қитъа биринчиликларида қўлга киритилган олтин ва кумуш медаллар ёхуд шу терма жамоаларимизнинг Жаҳон чемпионатларидаги ёрқин ўйинларида кўриш мумкин. Лекин, ўша чемпионатларда яхши ўйин кўрсатган ва келажаги порлоқ, деб умид қилинган Шерзод Каримов, Темур Ҳакимов, Забихилло Ўринбоев, Аббос Махсталиев, Диёр Туропов, Тоҳир Шамсиддинов, Акобир Тўраев сингари ўйинчилар катта футболда етакчига айлана олгани йўқ. Аслида бу галги саралаш турнирида ана шу футболчилар авлоди Жаҳон чемпионати масаласини ижобий ҳал қилиш учун курашиши керак эди.

Нима бўлган тақдирда ҳам, ҳали Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йилги Жаҳон чемпионатига чиқиш имкониятини сақлаб турибди. Бош мураббий Самвел Бабаян эса охиригача курашишга ваъда бермоқда.

Олдинда сафарда Хитойга ва Тошкентда Жанубий Кореяга қарши икки расмий учрашув қолди.

Кўрамиз, бу жараёнда яна қанча тошойна синаркин ёки ҳаммамиз шаҳар бўйлаб машиналарда "катайса" қилишга чиқамизми?

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Эҳтиром

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида "Навоий ворислари" республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

«АБАДИЯТ ГУЛШАНИ»ГА САЙР

Ушбу танловнинг Чиноз тумани босқичи 14-Болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, "Чиноз ҳаёти" газетаси таҳририяти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маданият, маънавият тарғибот бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган кўрик-танловда умумтаълим мактабларининг ўн бир нафар ўқитувчиси ўзларининг истеъдодли ўқувчилари билан иштирок этди.

Якунда мактаб ўқувчиларининг Алишер Навоий сиймоси акс этган расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

УМИДЖОН – МУТЛАҚ ҒОЛИБ

Паркент тумани марказидаги "Қўшчинор" маданият ва истироҳат боғида бокс бўйича очиқ чемпионат ўтказилди.

Унда Андижон вилояти ҳамда вилоятимиз спортчилари ўзаро куч синашдилар. 72 нафар спортчи қатнашган беллашувда Паркент тумани "Самаробод" маҳалласида яшовчи Умиджон Тожимуродов 91 килограмм вазн тоифасида мутлақ ғолиб, деб топилди.

Қувонарлиси, Умиджон 6-10 май кунлари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган халқаро чемпионатда ҳам рақибларини енгиб, фахрли биринчи ўрин соҳиби бўлганди.

Дониёр ҚУРБОНХЎЖАЕВ.

Рамазон ҳикмати

Одам учта нарсанинг қадрини доим кечикиб билади. Ёшлик. Соғлиқ. Тинчлик.

• • •

Эрталаб турганингда, кундузи юрганингда, кечаси ухлаганингда ҳеч қаеринг оғримаси – шунинг ўзи бахт!

• • •

Дўстни хўрлаш – гуноҳ. Умр йўлдошини хўрлаш – юз ҳисса гуноҳ. Ота-онани хўрлаш – минг ҳисса гуноҳ. Гўдакни хўрлаш – чексиз гуноҳ...

• • •

Тошни майдалаб, қумга айлантириш учун бир дақиқа кифоя. Аммо, қумнинг тошга айланиши учун минг йил камлик қилади. Дўстлик ҳам шунга ўхшайди.

• • •

Ўртадаги одамга ҳавас қилманг. Ҳам болғадан зарба ейди, ҳам сандондан.

• • •

Ақл билан мансабга эришиш мумкин. Мансаб билан ақлга эришиб бўлмайди.

• • •

Умр ўлчови ёлғиз Оллоҳга, мазмуни эса кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқ.

• • •

Дунёда мукаммал нарса йўқ. Ҳатто, Муҳаббат деб аталмиш олий туйғуда ҳам адолатсизлик бор. Ким қаттиқроқ севса, ўша кўпроқ изтироб чекади.

• • •

Ҳаётингизда севинчдан кўра ўкинч кўпроқ бўлса, ажабланманг. Одам боласи йиғлаб туғилади. Кулишни эса анча кейин ўрганади...

Ўткир ҲОШИМОВнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китобидан олинди.

ТЎЙДАН КЕЙИН ҲАМ ҲАЁТ БОР...

Тўғри, сахийлик, ҳотамтойлик – азалдан олқишга, эътирофга сазовор фазилат. Бироқ, ортиқча дабдабабозлик, исрофгарчилик, шуҳратпарастлик иллат эмасми?! Минг афсуски, буни барчамиз ҳам тўғри илғай олганимизча йўқ. Оқибатда "кўрпага қараб оёқ узатмайдиган" баъзи кимсалар ўзларини кўз-кўз қилиш ёки "бошқалардан камим борми, менинг ҳам қурбим етади", қабилида иш тутмоқдалар.

Афсуски, бунга қўпинча ёшларимиз ҳам сабабчи бўлаяпти. "Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр", деганларидек, турнақатор "Жип" ва "Лимузин"ларда никоҳдан ўтаётган келинкуёвларни кўриб, ачиниб кетасан, киши. Ёшлар-ку, майли, ҳали ҳаётнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини яхши билишмас. Лекин катталар-чи? Ахир, 15-20 минг долларлик мебелни харид қилишни талаб қиладиган қуда-андаларни кўрганмиз. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатларини нима билан изоҳлаш мумкин? Қариндошлик ришталарини боғлаш учун ўзаро "солиқ солиш"ларнинг тури ҳам кўп. "Куда чақириқлар", қўш-қўш тўн кийдириш маросимлари ҳам озмунча чиқимни талаб этадими?

Тўй базмларини айтмайсизми!? Сўз усталарининг бачкана гаплари, ярим яланғоч кийинган раққосаларнинг беўхшов ва андишасиз муқомлари, хонандаларнинг навбат талашиши-ю, фонограмма ва овоз кучайтиргич ускуналаридан "катта маҳорат" билан фойдаланиб, ўзини ҳам, элни ҳам алдаётганини кўриб, уялаётган киши. Хўш, булардан ёшларимиз қандай сабоқ олишлари мумкин? Дарвоқе, ўзини санъаткор атаган баъзи "отарчилар" хусусида. Тўйга "бирров" келиб қўшиқ куйлашнинг баҳоси 200 дан 1000 долларгача. Санъаткор ким учун ижод қилади? Хонанда ким учун қўшиқ куйлайди? Ахир, қўшиқчини "юлдуз" қилган шу халқ, шу эл эмасми? Ана шундай тўю базмларда уларнинг ҳақиқий юзи, хулқ-атвори, маънавияти ойдин бўлиб қолаяпти. Боз устига, хонадон эгасидан қуртдай санаб олади-гани етмагандек, даврада пул қистиришни авжига чиқарганларини кўриб, ҳайратинг ошади. "Ўғри бўл, ғар бўл, лекин инсофли бўл", деган кўҳна мақол айнан шундайлардай экан, опа-сингилларимиз ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтириш лозимга ўхшайди.



Таассуфки, бундай ҳолатлар таъзия маросимларини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. "Эҳсон" деб аталадиган дабдабали "амри маъруф"ларни ихчамлаштириш, уларни тўйхоналардан уйларга кўчириш вақти келмадимикан? Ўйлаб қўринг-а, кечагина 500 чоғли одам учун тўй ўтказилган залда бугун марҳумни хотирлаб тиловат қилинса, дуо ўқилса. Куни кеча спиртли ичимликлар ичилган пиёлалардан бугун ёши улуғ отахонлар чой ичишса? Ахир, шундай маросимларда даврани тўрида дин пешволари, қориларимиз қўр тўкиб ўтиришади. Улар айнан исрофгарчилик хусусида маърузалар ўқишади. Аммо айтмайди-ки: "Эй, барака топкур, бунча нозу неъматга не ҳожат, бунинг савоби марҳумга тегмайди, балки исрофгарчилик учун гуноҳга ботасан", деб.

Иш юзасидан мамлакатимизнинг турли вилоятларига хизмат сафарига тез-тез бориб турамиз. Кузатувларимиз шуни кўрсатдики, баъзи ҳолларда қишлоқларда тўйнинг энг қизиган вақтида тўсатдан чироқ ўчириш (ўчиш эмас, атайлаб ўчириш) ҳолатлари учрайди. Айрим электр тармоқ идоралари ходимлари учун бу "бизнес"га айланиб қолибди. Тўй эгасининг моддий аҳволидан қатъи назар, чироқни ёқиб бериш учун пул сўрайдиган таъмагирлар, виждонсизлар ҳам бор экан, қаранг.

Бундай камчиликларни бартараф этишда ҳам юқорида айтганимиздек, маҳалла оқсоқоллари, ҳокимлик вакиллари томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилиши айни муддаодир.

Яқинда эшитиб қолдик. Бир одам тўй қилиш учун танишларидан қарз олибди. Ўғлини бир бадавлат хонадон қизига уйлантириб, бахтли-саодатли қилмоқчи экан. Бироқ, бунинг акси бўлиб чиқди. Қарзини тўлай олмай, ота Россияга ишлагани кетибди. Аммо, тузук-қуруқ тил билмаган, қўлида тайинли ҳунари бўлмаган кишини ким ҳам сийласин?! Бунинг устига, бегона юрт бўлса. Оқибатда, бояқиш пул топаман деб, учинчи қаватдан йиқилиб, икки оёғи шол бўлиб қайтибди.

Бундай инсон билан қуда бўлишни ўзига эп кўрмаган келиннинг отаси тез орада қизини уйига олиб кетибди. На давлат, на келин, на соғлик қолди. Ўртада ёшларнинг турмуши бузилиб, бир янги оила ўчоғи сўнди.

Иллатнинг илдизи – лоқайдлик, дейдилар. Шундай экан, бепарволикка берилиш ярамайди. Эл-улус бирлашиб, дабдабабозлик, исрофгарчилик каби иллатларга чек қўйиш лозим.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 14 июнь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда эсаётган шамол секундига 12-17 метргача кучаяди. Кечаси 20-22, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда секундига 15-20 метргача кучаяди. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда секундига 15-20 метргача кучаяди. Кечаси 9-14, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Холмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-9283. Адади 12 926. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.50.